

Yoshlar o‘rtasida mamlakatimiz boy tarixini, uning betakror madaniyati va milliy qadriyatlarini keng targ‘ib etish, jahon ilm-fani va adabiyoti yutuqlarini yetkazish uchun zarur muhit va shart-sharoit yaratish zarur.
Shavkat MIRZIYOYEV



ИДИОТИК ПАРВОЗ

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 февралдаги фармойишига биноан 25 апрель
куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида
“Миллий эстрада санъатини ривожлантиришида малакали
кадрлар тайёрлаш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қув-
ватлашнинг долзарб муаммолари” мавзусида республика
илмий-амалий анжунани бўлиб ўтди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАЛАКАСИ МУҲОКАМАДА



Унда миллий маданиятимиз ва санъатимиз, жумладан, эстрада ҳамда оммавий томошалар санъати соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, театр санъати, оммавий байрам ва томошалар режиссураси тараққиёти учун хизмат қўливлари инновацион ғоялар ва ишланмаларни тадқиқ этиш, соҳа режиссёrlарини тайёрлашда назария ва амалиёт интеграциясини янада таомиллаштириш, шунингдек, таълимнинг узлуксизлиги ҳамда узвийлигини таъминлаш, “Устоз-шогирд” тизимини таҳлил этиш ва истиқболли режалар тузиш хусусида фикр юритилди.

Лиятини янада таомиллаштириш, бу борада хорижий тажрибаларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.


Анжуман давомида олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни янада таомиллаштириш, шунингдек, соҳасидаги илмий, амалий, услубий, ахборот-коммуникация ва моддий-техник ресурсларидан ўзаро манфаатли ва самарали фойдаланишини янада кучайтириш масалалари таҳлил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, пойтахт театрлари, институтнинг Нукус филиали, Фаргона минтақавий филиали, Ўзбекистон давлат консерваторияси, ихтисослашган маданият ва санъат мактабларидағи соҳа мутахassisлари, профессор-ўқитувчилар, эстрада хонандалари ва иктидорли талабалар маъруза ва амалий тавсиялари билан иштирок этишли.

Анжуман якунида қабул қилинган тавсиялар бўйича “йўл ҳарита”си ишлаб чиқилиб, мониторинг олиб бориш амалиёти жорий этилади ва энг яхши деб топилган илмий мақолалар халқаро илмий журнallарга тавсия қилинади.

«Маданият» газетасидан олинди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, тадбирда янги ташкил этилаётган маданият марказлари билан бир қаторда соҳада кадрлар тайёрлаш фа-



Дўстни ўйқулаб...

Муҳаммад Юсуф. Ўзбек шеъриятида ҳеч ким мустақилликни Муҳаммаджон акадай ёрқин куйлай олмаган. Содда ва самимий дўстим, биродарим Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида 65 ёшга тўларди.

*Бўйларингдан ўргулай Ватан,
Тенгсиз жаннат, ўхшишиз чаман,
Сени севган, ёниб куйлаган,
Муҳаммаджон бир келиб кетди.*

*Кўкламойим нурига ўхшиаб,
Майсаларнинг сирига ўхшиаб,
Бугдои исли шеврига ўхшиаб —
Муҳаммаджон бир келиб кетди.*

*Деҳқон элга меҳри бекиёс,
Эркалиги бир ўзига хос,
Капалаклар, тингланг — илтимос,
Муҳаммаджон бир келиб кетди.*

*Сурон солиб Андижонларга,
Сифат бериб гул-райхонларга,
Араз қилиб гул жононларга,
Муҳаммаджон бир келиб кетди.*

*Яратганинг меҳри кенг экан,
Бор севгини шоирга берган —
Жаннатларда шевр айтиб юрган —
Муҳаммаджон бир келиб кетди.*

*Кўнглим менинг тоза дафтарим
Дўстни ўйқулаб бир чети ярим.
Сўзим битди. Биродарларим
Муҳаммаджон бир келиб кетди...*

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш
ва бошқариш” кафедраси профессори в.в.б



Темуришунослик тарихида 1996 йил алоҳида ўрин туради. Мазкур йил ҳукуматимиз томонидан Амир Темур деб эълон қилинди ва буюк Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсida кенг ниишонланди. Бу улкан тантанага тайёргарлик баҳонасида бир қанча илмий тадқиқотлар, санъатнинг барча жабҳаларида Амир Темур сиймосини гавдалантирувчи музей ва иншиотлар барто этилди.

Мана неча йиллардирким, ҳалкимиз эъзози ва эътирофида бўлиб келаётган буюк бобокалонимизнинг ҳар йили нишонланиб келинадиган таваллуд айёми муносабати билан, бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг кўплаб жойларида ижодий кечалар, томошалар ва турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Жаҳонгир Амир Темур таваллудининг 683 йиллигига бағишланган “Амир Темур маънавий мероси” деб номланган адабий-бадиий кечанинг ЎзДСМИ ректори Иброҳим Йўлдошев бошчилигига “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси мудири Омонулла Ризаев ҳамда профессор-ўқитувчилар ташаббуси билан ўтказилиши соҳибқирон хотирасига бўлган юксак хурмат ва эътиборнинг ифодаси бўлди.

Ижодий кечаки “Санъатшунослик ва маданиятшунослик”, “Саҳна нутки”, “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедралари хамкорлигига ўтказилганлиги боис, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўзига хос кирраларини ёритиб берувчи маърузалардан ташқари, унинг шаъни ва мадҳини улуғловчи шеърлар ва саҳнавий асарлардан парчалар намойиш этилди. Бу ўз навбатида бобокалонимизнинг буюк ишлари, жасорати, оқилона давлат бошқаруви тўғрисидаги назарий билимларни улашишга ёрдам берди.

Адабий-бадиий кечанинг аввалида иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган “Турфаолам” номли собиқ иттифоқ даврида Амир Темур ва темурийлар қабри очилиши билан боғлиқ воқеалар ва уларнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеоролик тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур видеороликнинг моҳиятидан англаш мумкинки, Темур ва темурийлар сулоласининг куч ва қудрати, нафакат хаётлиги даврида балким, уларнинг руҳи ҳам ўз ҳалқи ва миллати, унинг қадриятларига қаратса

23 апреля 2019 года в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада Ал-Хорезмий (ТУИТ) прошел II-й ежегодный научно-практический семинар на тему «Научные информационные ресурсы для инновационного развития». Целью семинара являлось ознакомление и получение навыков работы с прогрессивными базами данных научно-образовательной информации, аналитическими системами в научных исследованиях, образовании и информационно-библиотечных учреждениях.

Перед началом семинара, каждому зарегистрировавшемуся участнику пакет документов, включавший в себя сборник статей, программу семинара и дополнительную сопроводительную информацию. В семинаре приняли участие проректора по науке, директора информационно-ресурсных центров, начальники научных отделов, докторанты и соискатели. От нашего института в семинаре приняли участие Начальник центра информационных технологий М.П. Савочкин, Начальник редакционно-издательского отдела Н.Х. Раимкулова, докторанты и самостоятельные соискатели Сабирова Ш.Ш., Марков С.Ю., Атамухамедов А.Х., Курбанова А., Куранова М., Турсунметова Р., Убайдуллаева М., студент 2-го курса направления «информатизация и библиотековедение» Гребенюк М. В.

Семинар открыл модератор – профессор Рахматуллаев М. А. С приветствен-



ЁДИ ҲАМИША ЁДДА

отилган ҳар қандай зарбага қарши чиқа олиш қудратига эга эканлигини ифода этади. Бу ўз навбатида, бобокалонимиз ва унинг авлодларини янада буюк ва янада жасоратли бўлганлиги каби гурур ва ифтихорни қалбимизга жойлади.

Ушбу кечада “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Омонулла Ризаев “Саҳнада Амир Темур сиймоси” номли маърузаси орқали ўзбек театр саҳналарида яратилган Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган саҳна асарлари ва талқинлари тўғрисида ёш ижодкорлар учун кимматли маълумотлар бериб ўтдилар.

“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, доцент Зиёдулла Исоковнинг “Амир Темур — мумтоз сиймо” номли маърузаси бобокалонимизнинг кўрсатган буюк жасоратлари ва оқилюна давлат бошқарувидаги билим ва тафаккурини ифода этувчи тарихий жараёнлар тўғрисида бўлиб ўтди.

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси доценти Кундузхон Нишонбоева ўзининг “Темурий маликалар” номли маърузаси билан қатнашар экан, Амир Темур ва темурийлар куч-қудрати ва ғалабаларида бевосита оқила ва акл идрокда тенигий ўй маликаларнинг ҳам хизмати буюк эканлигини айтиб ўтди.

Амир Темурнинг ҳар томонлама юксак салоҳијатга эга инсон бўлганлиги, қолаверса, унинг буюк ишлари, кўрсатган жасорати ўзгача гурур ва ифтихор билан тилга олинар экан, соҳибқироннинг бошқа соҳалар сингари санъатга бўлган қизикиши туфайли санъат соҳаси ҳам гуллаб-яшнаганлиги барчамизга маълум. Айнан, Амир Темур ва темурийларнинг санъат ва маданиятга бўлган ҳурмати ва муносабатини ўзида ифода этган “Театр санъати” мутахассислиги 2-курс магистранти Туробова Малоҳатнинг “Темур ва темурийлар даври томоша санъатлари” номли маърузаси ана шундай масалалар ҳақида ҳикоя қиласди.

“Саҳна ва экран драматургияси” йўналиши 2-курс талабаси Ҳурматой Ҳожиматова “Соҳибқирон драмаси ҳақида” номли маърузасида Амир Темур шахсиятига бағишланган “Соҳибқирон” драмаси ва унинг саҳнавий талқинларини таҳлил қиласди.

Шу билан бир қаторда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, адабий-ижодий кечага ўзгача шукух бағишлилаган Рамзиiddин Сайфиеv ижросидаги “Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий” ривояти, Асмарбек Ҳакимов ижросидаги Абдулла Ориповнинг “Темур” шеъри, Ибрат Азаматов томонидан ижро этилган “Соҳибқирон” драмасидан парча ҳам шулар жумла-сидандир.

Холоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Амир Темурнинг тарих олдиаги хизматлари бенихоя катта, шу боис ҳам Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш, кўплаб жабҳалар сингари санъат ва маданият соҳасидаги ўзига хос аҳамиятини тадқиқ қилиш, маънавий меросларни қадрлаш каби жараёнларнинг тобора ортиши бобокалонларимиз руҳига бўлган ҳурмат ва эътибор ифодасидир.

Малоҳат ТУРОБОВА
“Театр санъати” йўналиши
2-босқич магистранти

Научные информационные ресурсы для инновационного развития

ным словом к собравшимся обратился начальник Управления координации научно-исследовательской деятельности Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан Б.М.Исмаилов и проректор ТУИТ по учебной работе Ф.С.Аззамов. Первым со своей презентацией выступил начальник Управления координации научно-исследовательской деятельности Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан Б.М.Исмаилов, рассказал о текущем состоянии системы высшего образования. Следующим выступил гость из Анкары (Турция) – профессор Hacerpette University, Emerald Publishing Yasar Tonta, со презентацией на тему «The digital future of cultural heritage» (цифровое будущее культурного наследия). Далее проходили выступления директора отдела электронных ресурсов АО «МЕТЭК» – Александра Липенского и менеджера региональных проектов в России и Средней Азии – Анны Трифоновой о работе с базами данных ProQuest. Менеджер по продажам EBSCO Information Services в странах СНГ, Антон Акимов и лицензионный менеджер Springer Nature по Средней Азии выступили с презентациями о своих информационных продуктах. Следующими выступали директор по продажам и маркетингу ООО «ИВИС Eastview», Дмитрий Ушанов и официальный представитель компании Clarivate Analytics в Средней Азии, Лязиза Мукашева с информацией о



комплектовании библиотек с российской периодикой в электронном виде и об информационно-аналитических ресурсах Clarivate Analytics соответственно.

После обеда прошла прикладная часть семинара, когда участники были разделены по группам, для участия в мастер классах. Основной целью первой группы было ознакомление с работой с такими ресурсами как ... и процессом написания и публикации научных работ. Перед собравшимися выступили А. Липенский, И. Александрова и Л. Мукашева. Участникам второй группы М. Тонта, А. Акимов и Д.

Ушанов рассказали о...

После непродолжительного кофе-брейка семинар завершился вручением участникам сертификатов.

Участники семинара получили уникальную возможность повысить свои знания в области использования различных информационных ресурсов в своей образовательной деятельности.

Мартин ГРЕБЕНЮК,
Студент 2-го курса направления
«Информатизация и
библиотековедение»

Санъат ёш, макон ва миллат танламайди. Уни тушуниш ва идрок этиш учун инсонда аввало, табиатга бўлган муносабат ижобий бўлмоғи лозим. Санъатнинг энг нафис турларидан бири саналмиш рассомчилик бугунги кун ёшлари нигоҳида янги даврни бошдан кечирмоқда. Хусусан, бугунги кунда асл истеъод эгаларининг деярли барчаси ҳаётда ўз ўрнини топа бошляяпти. Мана шундай юрагида ўти бор ёшлардан бири кўхна Хоразмнинг Урганчида туғилган Сулаймон Йўлдошев ҳисобланади.

Сулаймон Йўлдошев 1998 йилда Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида туғилади. Ёшлигидан рассомчилликка қизиқади. Ўзининг айтишича, онаси унинг бу соҳага қизиқишини доимо рағбатлантириб турган.

“Болалигимдаёқ келажакда рассом бўлишимни ичимдан хис қиласр эдим, касб танлаш масаласи мени ҳеч қачон безовта кимаслигига чин дилдан ишонардим”, дейди рассом.

У болалигидан машҳур рассомларнинг устахоналарига бориб туради.

«Буларнинг бари мени ёш рассом ўлароқ шаклланишимга ёрдам берди. 2009 йилда Урганч шаҳридаги Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфидаги “Ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати”га ўқишга кирдим. Санъат мактабини 2014 йилда аъло баҳоларга ўқиб тутатдим. 2014 йилда Урганч санъат коллежига ўқишга кирдим ва уни 2017 йилда имтиёзли диплом билан битирганман” – дейди қаҳрамонимиз камтарлик билан.

Сулаймон ҳақида гапира туриб, ажаб бир хисни туссан киши. Ҳали йигирма ўшига етмай туриб, қанчадан-қанча танловларда муваффақиятли иштирок қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

2017 йилда Россия Федерацииси Владимир шаҳрида ўтказилган Халқаро замонавий санъатлар биенналисида “Авангард картина” номинацияси бўйича ўз чизган асарлари билан қатнашиб, дунёнинг 24 мамлакатидан келган иштирокчилар ичida 3-ўринни эгаллаган ва халқаро дипломни қўлга киритган. Унинг бу фалабасини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги инобатга олган ҳолда, шу йилда Марказий Осиёда тасвирий санъатга ихтисослаштирилган ягона Олий таълим муассасаси



Хива гўзаллари



Сулаймон Йўлдошев: ЧИЗИЛМАГАН АСАРИМ ҲАҚИДА


– Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти санъатшунослик факультетига имтиёзли грант асосида ўқишга қабул қилинган.

Сулаймон ҳозирги пайтда ушбу институтнинг санъатшунослик факультети 2-босқичида таълим олмоқда.

У маънавий бойлигимиз хисобланган миллий урф-одатларимиз, удум ва аньяналаримизни замонавий талқинда уйғунлаштирган ҳолда асарлар яратмоқда.

Сулаймоннинг тасвирий санъат соҳасида чизган асарлари кўплаб Республика ва жаҳон миқёсидаги кўргазма ва фестивалларда намойиш этилган.

“Ўзингизнинг асарларингиз ҳақида гапириб беринг”, деган савол мен учун энг қийин савол. Чунки, рассомлар кам гап халқ. Рассом учун ижоди, асарлари гапиради. Баъзилар: “Мана шу расмингда нимани ифодалаб бергансан, нима ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлгансан”, деб сўрашади. Ёки: “Ижодинг нима тўғрисида” дейилганда, эҳтимол нималарнидир гапириш мумкинdir, аммо мён кўп нарса айтольмайман. Бу кўпроқ сирга ўхшайди. Чунки, гоҳида ўзингиз ҳам билмай қоласиз, бирданига нималардир келади, чизиб бўлганингиздан кейин ўзингиз ҳам



тушунасиз нима қилганингизни... Асарларимдаги асосий қаҳрамоним бу – инсон.

Ҳақиқатдан, мен рассомларни ижодкор ахлининг ичидаги энг баҳтиёр касб эгалари деб биламан. Чунки, рассом ижод қилиши учун мусиқачилар керак эмас, актёрларга зарурат йўқ, ёнида бошқа одамлар лозим эмас. Рассом ўзи билан ўзи бўлади, бу ниҳоятда индивидуал касб. Тарихни ҳам олиб карасангиз, Пол Гоген ҳам Оврӯподан Танзанияга бориб, ўша ерда оролда яшаб, ўлмас асарлар яратган. Павел Филонов Ленинград қамали остида ижод қилган. Егулик олишга пули бўлмаган, нонга муҳтоҷ пайтида ҳам ижоддан тўхтамаган. Шунинг учун айтмоқчи-манки, ижодкор учун қафас умуман йўқ нарса. Рассом бошқа ҳар бир ижодкор каби икки оламда — одамлар орасида ва унга ёнма-ён ўзининг иккинчи дунёсида яшайди ва ҳамиша ижод, ҳамиша меҳнат билан банд бўлади.

Сулаймон фаолияти давомида қуйидаги ютуқларга эришди: “Энг улуғ, энг азиз” республика танловида, “Тасвирий санъат, фото-дизайн

асарлари” номинацияси бўйича II даражали диплом билан;

Республика миқёсида ўтказилган “Юксак маънавиятли авлод” фестивалида “Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом” номинацияси бўйича I даражали диплом билан;

Словения давлатида ўтказилган “Slikovita Rusija” халқаро санъат ҳафталигида тасвирий санъат йўналишидан фаол иштироки учун диплом билан;

Россия Федерацияси Липетск шаҳрида ўтказилган II халқаро замонавий санъатлар кўргазма-танловида “Мавзули композиция” номинацияси бўйича фаол иштироки учун диплом билан;

Россия Федерацияси Владимир шаҳрида ўтказилган Халқаро замонавий санъатлар биенналисида “Авангард картина” номинацияси бўйича 3-ўринни эгаллаб, диплом ва эсадалик совғалари билан;

Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган “IX International Exhibition & Competition of Contemporary Arts”да жанрли класик рангтасвир” номинацияси бўйича 2-ўринни эгаллагани учун диплом ва эсадалик совғалари билан;

Унинг энг эътироғга лойиқ ютуғи 2018 йилда Франция Республикаси Париж шаҳрида ўтказилган “LA CULTURE SLAVEA PARIS” номли фестивалда яратган миллий асарлари билан иштирок этиб, II ўрин совриндори бўлган ва “International Award”нинг диплом, сертификат ва “Кўкрак нишони” билан тақдирланган.

Талабаларда ташаббускорлик ва ватанпарварлик фазилатлари, ўз касбини севиши, илм-фанга иштиёқ ҳамда юрт келажагига даҳлдорлик туйғуларини юксалтириш масадида ўтказилган “Йил талабаси”



танловининг “Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талаబаси” номинацияси бўйича I ўринни эгаллади ва диплом билан тақдирланди.

Санъаткор давр билан қадам ташлаши шарт. Чунки, рассомнинг асари – даврнинг тошойнаси. Эскидан шу нарса бўлган, ҳозирги кунда XX–XXI асрларда бу яна ҳам дол зарблашиб келяпти. Замонавий рассомлар ўз асарлари орқали актуал, қизиқарли мавзулар, муаммоларни кўтаришга ҳаракат қилишади. Ҳар бир рассом ўзи истаган услубларда ҳам ишлай олади.

Ботир РАҲИМОВ,
УрДУ «Мусика таълими»
кафедраси мудири

Qadimiy an'analarimizni Farg'ona vodiysida keng ko'lamda yoyilishiga va baxshichilik san'atini vodiyya rivojlanishiga o'z hissasini qo'shgan inson Bo'ri baxshi Sodiq o'g'lidir. Bo'ri baxshi Sodiq o'g'li 1886-yil Farg'ona viloyatining Dang'ara tumani Qumariq qishlog'ida tug'ilib, shoirlar oilasida kamol topadi. Uning otasi Sultan nomi bilan tanilgan va Farg'ona vodiysining mashhur baxshilaridan biri bo'lgan. Sultan shoir xalq shoiri bo'lib, terma qo'shiq va dostonlarni qo'biz bilan kuylagan.

EL ARDOQLAGAN BAXSHI



Bo'ri baxshining akasi ham omma orasida terma va dostonlarni aytib Jo'ra baxshi nomini olgan. Demak, Bo'ri baxshining el ardoqlagan baxshi bo'lishiga ham oila a'zolarining mehru-muhabbati, ilmga sadoqati ta'sir ko'rsatgan. Dastavval, ilk sabog'ini otasi Sultan shoirdan olgan, so'ngra akasi Jo'ra baxshidan doston va termalarni dutor jo'rligida o'rganib, xalq orasida Bo'ri baxshi deb tanilgan. Bo'ri baxshi o'z zamonasining ardog'i bo'lib, otasi va akasi singari xalqga ijodini tanita boshlagan. Avval, terma qo'shiqlar yaratib, yangi davr bilan hamohang bo'lishga harakat qilgan. U kolxoz tuzulishida, qulqlarga qarshi kurashda faol qatnashib, qo'shiqchilar soyuziga, keyin o'z qishlog'ida tashkil etilgan "Yangi hayot" kolxoziga a'zo bo'lib kiradi.

Ayni paytda doston va termalar aytib, xalq dilini xushnud etadi. Ko'proq Bo'ri baxshi xalqning ko'nglidagi kechinmalarni, xayotiy voqeyalarni maroq bilan kuylab kelgan. U milliy folklor an'anasidagi satira janrining takomiliga ham o'z hissasini qo'shgan deb, aytish mumkin. Uning o'ziga xos serjilo kuy-qo'shiqlari, bunungi kungacha xalq orasida saqlanib, ijro etilib kelinmoqda. "Dutorim", "Men qaydan bilayin", "Ko'k choy", "Kanal ichinda" kabi ko'plab terma qo'shiqlari hamda "Apomish", "Masbachcha" dostonlarini maromiga yetkazib kuylagan. Bo'ri baxshining terma qo'shiqlaridan "Kanal ichinda" sheri yumllalarida xalqning turmush tarzi ifoda etilgan.

Kanal ichinda
Kolxozchilar tuman-tuman,
Terapisiga tikib chodir;
Mard yigitlar bo'lsin omon,
Ketmonchopib qancha botir;
Qancha azamat qahramon
Metin bellar pati-patir
Ishlaydi kanal ichinda.
Ishlaydi kanal ichinda.
Mehnatin hech ayamay,
Ishlaydi kecha-yu kunduz,



Muassis:
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

Bosh muharrir:
 Nafisa RAIMQULOVA

Tahrir hay'ati:

Go'zal XOLIQULOVA
 Hamdam ISMOILOV
 Antonina KOSHELEVA
 Rashid USNATOV
 Mas'ul kotib:
 Alimurod TOJIYEV

Muxbirlar klubu sardorlari:
 Muhammara BOZOROVA
 Shavkat DO'STMUHAMMAD

Dilobar TOJIBOYEVA,
 O'zDSMI FMF "Folklor etnografiya"
 yo'naliishi 1- bosqich talabasi

Tahririyat manzili: 100025 Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och mavzesi, 127 A uy.

Telefon: (0-371) 230-28-13.
www.dsni.uz; nashriyot@dsni.uz

Gazeta har oyning oxirgi haftasida «NISO POLIGRAF» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi.
 Manzil: O'rta Chirchiq tumani, Oq ota QFY, Mash'al mahallasi, Markaz -1.

Sahifalovchi:
 Dilmurod DO'STBEKOV

Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo'limida tayyorlandi.
 O'chami – A3, hajmi 2 bosma taboq.
 Nusxasi – 700 dona. Narxi kelishilgan narxda.
 Chop etishga 30.04.2019 yilda topshirildi.

ӘМЕЛИЯТ РУЎХИЙ ТӘРБИЯДАН БАСЛАНДЫ

Оқыў орнында алған билим көнликпелерди әмелиятта қоллаў, тәжрибес алмасыў, қәнигелик шеберликти жетилистириў, өз интеллектуал пикирине ийе кадрларди тәрбиялаў бүгингни педагогиканың актуал мәселелеринен



Студентлердин үйренген нәрсelerин ис жүзинде қолланба билиў, билим ҳәм илим мин ҳәр тәреплеме тереңлестириў ушын жақында Өзбекстан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм мәденият институты Нөкис филиалының 2-курс Мәденият ҳәм көркем өнер мәкемелерин шөлкемлестириў ҳәм басқарыў қәнигелиги студентлери тәлим бағдарларының оқыў режесине тийкар апрель-май айларында 3 ҳәптелик өндирислик әмелияты шықты. Нөкис қалалық мәденият орайы ҳәм көркем өнер мәкемелерине өндирислик әмелият ушын бекитилип, әмелият басшылары менен биргеликте кәсиплик тәжрийбелерин асырып келмекте. Устаз-шәкирт системасы тийкарында белгиленген режеге муýапық студентлерге әмелият басшысы етип «Социал – гуманитар ҳәм көркем өнертаний» кафедрасы оқытушысы, үлгилі устаз Г.Ешбаева бекитилди. Өндирислик әмелиятын биринши күнинен баслап пайтахтымымдағы музейлерге саяхат ҳәм олардин искерлигин үйренийден басланды. Өткенин қәстерлеў, еслеў ҳәм қәдирлеў жақсы пазыйлет. Ата – бабаларымыздың бизлерге қалдырган мийрасларына қызығыў, өз кәсиб отмишин аңдаў әмелий конликпелерди жетилистириўге үлкен тәсирин тийгизеди. Көркем өнеримиз-

дин зәбердес ўәкиллери Амет ага Шамуратов ҳәм Айымхан апа Шамуратова үй–музейи күннен күнгө экспонатлары байытылып, ықласбентлерге тартымлы болып, көпшиликтің кеүйл мүлкин толтырмақта. Уллы инсанлар өз дәүиринде халықты жақсылық, инсаныйлық ҳәм көркем өнерге бағдарлана болса, хәзирде олардин руўхияты мәдениятимиз, көркем өнер ҳәм әдебиятимиздин жас түсімпазларин жеткилике карай нәсийхатлап руўхий күш болып мәдениятимыздың раўжалланыўына өз үлесин коспақта.

Студентлерге музейдин искерлиги менен таныстырылып, оның бүгингни күндеги әхмийети ҳақында кең түсініклер берилди. Өткен ўйладлардың руўхын ҳұрметлеў ҳәм келеси урапкаларга таныстырыў бәршемиздің жуўапкершилики уазыпамыз. Демек, тараудың тарыйхын билиў ҳәм оны кеңнен үтіт нәсиятлаудың әхмийети жүдә жоқары. Усындау руўхий тәрбиядан басланған әмелият жоқары руўхта, көтериңки кейпиятта даўам етпекте.

Асылбек ҚОЛҚАНАТОВ
ӨЗМКӨМИ Нөкис филиалы
 студенти, «Жас дөретиүшилер»
 клубы ағзасы

ДИККАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали 2018-2019 ўқув йилининг май ойида бўлиб ўтадиган таловога филиалимизнинг талабаларини иштирок этиши учун фаолликка чорлайди.

Таловда «Йилнинг энг иқтидорли талабаси» ва «Йилнинг энг талабчан талабаси» номинацияси учун беллашув бўлиб ўтади.

Таловда иштирок этиши учун талабалар олдига талабанинг устозларга бўлган ҳурмати (Профессор-ўқитувчилар орасида аноним сўровнома ўтказиш орқали аниқланади), тартиб-интизоми, маънавий-маърифий тадбирлардаги иштироки, бундан ташкири, илмий ишлари, махаллий ва



халқаро журналларда эълон қилинган мақолалари каби талаблар қўйилади.

Талов голиблари муносиб тақдирланади.

ЎзДСМИ Нукус филиали



Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo'limida tayyorlandi.
 O'chami – A3, hajmi 2 bosma taboq.
 Nusxasi – 700 dona. Narxi kelishilgan narxda.
 Chop etishga 30.04.2019 yilda topshirildi.

Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo'limida tayyorlandi.
 O'chami – A3, hajmi 2 bosma taboq.
 Nusxasi – 700 dona. Narxi kelishilgan narxda.
 Chop etishga 30.04.2019 yilda topshirildi.